**Ушбу сонда:**
2 «МАБЛАҒ ЙЎҚ» БАҲОНА ЭМАС
3 БОЛАЛАР ЁЗИ — КАТТА ИМТИҲОН
4 *Абитуриент - 2001* АДОЛАТ ТАРОЗУСИ ЧАЙҚАЛМАЙДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 июл, жума №111 (1125)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Фахр*

## ЛАЗИЗБЕК - ҚИРОЛ КУБОГИ СОҲИБИ

***Бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби жиззахлик Лазизбек Зокиров маҳоратли чармқўлқоп устаси эканини яна бир бор намойиш этди.***

Яқинда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритган иқтидорли боксчи куни кеча Таиланддан ҳам катта зафар билан қайтди. Лазизбек Осиёнинг йигирма давлатидан қатнашган боксчилар орасида биринчи бўлди ва Таиланд қироли кубогини қўлга киритди.

(ЎзА).

*Қорақалпоғистон янгиликлари*

## ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Бу борада кўзланган натижаларга эришиш, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш эса ҳар бир тадбиркор ва ишбилармоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши, бозорни пухта ўрганишига ҳам боғлиқдир. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш дастурига биноан Нукусда ўтказилган амалий семинари шу масалаларга бағишланди. Унда 17 та шаҳар ва туманлардан 50 нафарга яқин тадбиркор ва ишбилармон бир ҳафта давомида экологик муаммоларни ҳал этишда иқтисодий масалаларни тўғри ечиш, бугунги бозор ва бизнес, банк ва кредит борасидаги қатор саволларга аниқ жавоблар олишди. Халқаро ташкилотнинг бу галги ҳамкорлиги қорақалпоғистонлик ишбилармон ва тадбиркорлар иқтисодий билим доирасини янада чуқурлашишига кўмак берди.

Тадбир иштирокчиларига сертификатлар топширилди.

## МЎЙНОҚ КОЛЛЕЖИ

Мўйноқдаги касб-ҳунар коллежи биносининг қурилиш-монтаж ишлари поёнига етаяпти. Олти юз талабага мўлжалланган билим даргоҳини бунёд этаётган 329-хўжаликлараро кўчма механизациялаштирилган жамланма махсус бўлинмалари охирги пардозлаш ишларини бажармоқда.

Мамлакат мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган кун 1 сентябрда мазкур касб-ҳунар коллежи ўз бағрига олти йўналишда билим ва касб сирларини пухта ўрганишга жазм этган ўғил-қизни қабул қилади.

## МАЖМУА ИШ БОШЛАДИ

Элликқалъа тумани марказий касалхонаси таркибидаги туғруқхона бўлими биноси таъмирлаш, мослаштириш ҳисобига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилади. Бу ерда туғруқ, туғруққа тайёрлаш ва туғруқдан кейинги соғломлаштириш бўлимлари ташкил этилди. Янги мажмуада ўринлар сони ҳам уч ҳисса кўпайиб, 55 тага етди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Аёллар учун дам олиш ва маънавият хоналари ташкил этилди.

Айни пайтда «Бўстондеҳқонқурилиши» ҳиссадорлик жамияти томонидан сифатли таъмирланган туғруқхона мажмуида 23 нафар малакали шифокор ва ҳамширалар оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилмоқда.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Жамиятимизда тадбиркорлик руҳини мустаҳкам қарор топтирайлик*

# КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

## миллий фаровонликка эришишнинг ўта муҳим омили

***Салоҳияти, билиму тажрибаси, ташкилотчилиги-ю ташаббусига таяниб фаолият юритадиган мулкдорликка ўтиш ўта мураккаб, ҳаётий жараён. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги худди шу жараённи қай даражада амалга ошира билишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 17 июлда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида 2001 йилнинг дастлабки олти ойи натижалари таҳлилини кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ишларнинг аҳволи ва муаммоларига боғлиқ ҳолда атрофлича баён этгани ҳам шундандир. Равшан бўлдики, бу муҳим йўналишда изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бормоқда. Эндиликда республикамизда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири шу соҳада фаолият юритмоқда. Бироқ, таъкидланганидек, мавжуд катта имкониятдан ҳали кутилган даражада фойдаланилмаяпти.***

***Хўш, аввало, тадбиркорнинг ўзини чуқур ўйлантираётган, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган тўсиқлар, ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат?***

### ТАДБИРКОР НЕГА ЧУВ ТУШДИ?

Рўй-рост таъкидлаганда, баъзи ҳокимлар, ижара берувчилар фаровонлигимизни таъминлашга катта ҳисса қўшадиган масалага ўта суст муносабатда бўлаётганликлари тадбиркорларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Масалан, Мирзачўл туман ҳокимининг шартнома шартларини уддалай олмаган тадбиркорлар фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Уюшмага қайтарилган майдонларда янгитдан бешта фермер хўжалиги ташкил этишга киришилди. Бироқ, тегишли ҳужжатлар вақтида тавсия этилган бўлса-да, қарор ҳа деганда чиқавермади. Мулкдор бўлишни орзиқиб кутган кишилар енг шимариб ишладилар. Кўрсатилган майдонларга улар ёнларидан катта маблағ сарфлашди. Афсуски, тадбиркорлар қувончи узоққа бормади — ер эгалари пайдо бўлиб қолди.

Гап шундаки, туман ҳокимлигининг фермер хўжаликларини ташкил этиш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдаги жиддий камчиликлари тадбиркор бўламан, ўзимга ҳам, жамиятга ҳам катта наф келтираман, дея хайрли ишга бел боғлаган кишиларнинг ҳафсаласини пир қилди.

Тадбиркорга ана шундай муносабатдан кейин туманда фермерлик ҳаракатига кенг йўл берилган, дея қандай қилиб бемалол айта олишади?

Яна бир мисол. Сирдарё шаҳрида истиқомат қилувчи А.Нишонов, В.Цхай, М.Исоқовлар шахсий сармоялари ҳисобига сартарошхонани сотиб олишди. Шу тариқа «Ал-Вер-Мўмин» жамияти фаолият юрита бошлади. Орадан анчайин вақт ўтгач, ишбилармон А.Абдураззоқов шаҳар ҳокимининг қарорини қўлга киритиб, юқоридаги жамият ободонлаштиришни ният қилган ерга эгалик қила бошлади.

Бу ҳам ҳолва экан. Сартарошхона ихтиёридаги майдонга учинчи хўжайин пайдо бўлди. Энди Ш.Юнусов хаш-паш дегунча дўкон қурди. Зеро, унинг ҳам қўлида шаҳар ҳокимининг қарори бор эди. Савол туғилади: масъулиятсизлик ҳам шунчалик бўладими? Бир майдонга уч марта қарор чиқариб, уч нафар шахсни сарсон қилган кимсалар тадбиркор манфаатига жиддий зиён етказаётганликларини, эндигина иш бошлаётган омилкор дастлабки қадамлардаёқ бюрократик тўсиқларга, таъмагирлик ҳолатларига дуч келиши бошқа одамларнинг ҳам иштиёқини сўндираётганлигини наҳотки англаб етишмаса?! Бу ўринда энг катта камчилик яна шундаки, тадбиркорларнинг ўзлари ҳам ҳуқуқ ва имкониятлари, имтиёзлари хусусида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Ўрни келганда ҳақ-ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилолмаяптилар...

### МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

#### кимнинг манфаатини ёқлаяпти?

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилган. Бироқ, Вазирлар Маҳкамаси мажлиси ҳужжатларидан кўринадики, амалдаги баъзи ҳуқуқий ҳужжатларимиз турлича талқин қилиниши мумкин. Бу айрим ўринларда тадбиркорлар манфаатига зиён етказувчи ҳужжат ва қарорлар қабул қилинишига имконият яратмоқда. Таҳририятимизга келаётган шикоят хатлари яна шундан гувоҳлик берадики, айрим хўжалик шартномалари номигагина тузилган. Уларда томонлар мажбуриятлари, етказилган зарарни ундириб олиш чоралари аниқ-равшан кўрсатилмаганлиги туфайли фермерлар, ижарачилар зарарига ишламоқда.

Сайхунобод туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалиги билан М.Кубаев етакчилигидаги пудратчилар ўртасида ички хўжалик шартномаси тузилди. Пудратчи оила режани бажарса, ширкат хўжалиги кунжара, шелуха, пахта ёғи бериши керак эди. Аммо бундай бўлмади. Ҳақ-ҳуқуқи чекланган пудратчи адлия бошқармаси Сирдарё туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Шундан сўнг адолат қарор топди. Пудратчи ололмаган маҳсулотининг қиймати ўзига қайтарилди. Бунинг учун омилкор деҳқон ойлар мобайнида елиб-югурди, саломатлигига путур етди.

Айрим ерларда енг учида устамонлик қилинмоқда. Баъзи етакчилар: кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари билсабилар, билмаса ўзимизга фойда, қабилида иш юритаётганлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Масалан, Жиззах тумани ҳокимининг қарорига кўра тўртта фермер хўжалигига тегишли майдон ажратилган. Бироқ, қарангки, ердан фойдаланиш муддатини кўрсатишни «унутишган». Вазирлар Маҳкамаси мажлисида амалдаги қонунларни такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётганлиги жуда тўғри таъкидланди ва у халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Масаланинг иккинчи томонига ҳам эътиборни қаратмоқ жоиз. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзи ерларда сохта фермерларга ҳам рўбарў келинмоқда. Оҳангаронлик «Мирза ота» фермер хўжалиги раҳбари бели оғримай пул топишни ният қилди. Ёлланма ишчилар кучига таяниб, ғаллачиликка қўл урди. Табиийки, тажриба, омилкорлик, ташкилотчилик етишмагач, имкониятдан унумли фойдалана олмади. У ўзига ажратилган ернинг умрини зое ўтказди — деярли ҳосил олинмади. Шунинг учун ҳам сохта тадбиркор аттестациядан ўтиш чоғида шарманда бўлди. Зеро, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Кўпчиликни ўзига тортадиган катта ҳаракат тўлқинларида тасодифий, ноинсоф кимсалар ҳам бўлиши кутилган ҳол. Бироқ, уларга қарши биргаликда, қатъий курашмоғимиз даркор.

***Юқоридаги каби камчиликларни бартараф этиш, барча ерда кичик, ўрта бизнесни давр талаблари даражасида изчил ривожлантиришга эришиш учун нима қилмоқ керак? Аввало, одамлар онги-шуурида тадбиркорликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартирмоқ даркор. Токи, бу иш билан шуғулланган одамларга нисбатан кўролмаслик, шубҳаланиш каби чиркин дунёқараш барҳам топсин. Президентимиз таъкидлаганидек, тадбиркор тадбиркорлигидан ҳақли равишда ғурурлана олсин, ҳамма унга ҳавас билан қарасин. Демак, жамиятимизда тадбиркорлик руҳини мустаҳкам қарор топтириш энг долзарб вазифалардандир.***

***Қолаверса, тадбиркорлар тинкасини қуритаётган, уларнинг ишдан кўнглини совутаётган, имкониятларини чеклаётган ноқонуний текширишларга батамом чек қўйилса, ягона рўйхатга олиш идорасини ташкил этиш ҳақидаги қимматли таклиф тезроқ амалга ошса, улуғ иш бўлур эди.***

***Мард, ишбилармон, шижоатли, ўта ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир. Бобокалонимизнинг бу ҳикматида ҳаётимиз, иқтисодиётимиз учун кичик ва ўрта бизнеснинг нақадар муҳимлиги ўз ифодасини топган. Гап уни Ўзбекистон шароитида миллатимиз табиати, қадриятларимизни инобатга олган ҳолда қандай жорий этишда қолган. Мутасадди раҳбарлар бу йўналишдаги кундалик фаолиятда изчиллик, қатъиятлик кўрсатишлари керак. Ахир, ҳокимлар фаолиятига улар тадбиркорликни қай даражада қўллаб-қувватлаётганликлари, кичик ва ўрта бизнес улуши даражасига қараб баҳо берилиши кун тартибига қўйилган масала қанчалик муҳимлигини, долзарблигини лўнда ифодалаб турибди. Зеро, давлат мустақиллиги нафақат сиёсий, балки биринчи навбатда иқтисодий тушунчадир. Ривожланган, яхши мувофиқлаштирилган, ўз-ўзини таъминловчи иқтисодсиз сиёсий мустақиллик фақат чиройли сўзлигича қолаверади.***

**М.ҚАЮМОВ.**



*Истиқлол шарофати*

## ФЕСТИВАЛ МЕЗБОНИ – ОЛТИН ВОДИЙ

Шу кунларда Фарғонани кўрмоқчи бўлсангиз водийга йўл олиш шарт эмас. Меҳмондўст фарғоналиклар сизларни Тошкентда, Бадиий академия кўргазмалар залида кутмоқда. Бу ерда Фарғона вилояти, унинг заҳматкаш халқи ҳаёти, иқтисодиёт, маданият, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини кўз-кўз қилувчи катта кўргазма очилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Шу азиз Ватан - барчамизники!» фестивалининг мезбони бу гал олтин водий деб таъриф берилган Фарғона вилояти бўлди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Бадиий академия ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган фестивалнинг очилишига бағишланган маросимни ЎзА Бош директори М. Ҳазратқулов очди.

Унда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Олий Мажлис қўмитасининг раиси А.Саидов, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Ф.Азимов сўзга чиқди.

Халқимиз истиқлолимизнинг ўн йиллигини кўтаринки руҳда, катта меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқда, деб таъкидланди тадбирда. Юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ва оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами асрга татигуликдир. Бунда, шубҳасиз, фарғоналикларнинг ҳам катта улуши бор. Дарҳақиқат, кўргазмалар залига кирар экансиз, аввало, Фарғонанинг меҳмондўст одамлари, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаёти тасвирга олинган суратларга кўзингиз тушади. Суратларда озод юрт, дориломон кунларимизга шукроналар айтаётган чеҳраларни кўрасиз.

Вилоятнинг ҳар бир шаҳри ўзига хос шуҳратга эга. Масалан, Фарғона ва Қувасой саноат шаҳарлари сифатида ном қозонган бўлса, Марғилон ҳунармандлари, Қўқон эса ўзининг ўтмиши, меъморий обидалари билан машҳур.

Фарғона ҳунармандлиги ҳақида сўз борар экан, яна бир устани четлаб ўтиб бўлмайди. Қувалик Эргашали Мирзаев бир қарашда оддийдек кўринган, лекин анча мураккаб ва ноёб ҳунар - сават тўқишни йўлга қўйган. Қисқа вақт ичида у маҳсулот турини юздан оширди. Халқимиз ҳалол меҳнатни ҳар доим қадрлайди. Эргашали ака тадбиркорларнинг вилоят ва республика танловларида бир неча бор ғолиб бўлган. У ўзи тўқиган саватларини бозорга чиқариб юрмайди. Маҳсулотига талаб катта эмасми, мижозларнинг ўзи тўғри унинг уйидан олиб кетади.

Фарғонада шундай «эски» корхоналар борки, мустақиллик шарофати билан улар янгича қувват билан ишлай бошлади. Ана шундай корхоналар сирасига 1928 йилда фаолиятини бошлаган Марғилондаги «Ипакчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Қўқон шаҳрида 1922 йилда иш бошлаган «Мастона» агросаноат фирмасини киритиш мумкин. Айни пайтда бу корхоналар хориждан келтирилган замонавий асбоб-ускунлар билан жиҳозланган. Натижада бугунга келиб «Мастона» фирмаси ўз маҳсулотларини МДҲ давлатларидан ташқари Чехия, Словакия, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларга экспорт қилмоқда. «Ипакчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида эса ҳозир 13 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Унинг таркибида Италиянинг «Гарден» фирмаси билан ҳамкорликда «Спининг-Силк» қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. «Ипакчи» маҳсулотлари Ҳиндистон, Италия, Покистон каби мамлакатларда ҳам ўз харидорига эга.

«Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси водийдаги кенжа корхоналардан. 1995 йилда иш бошлаган ушбу корхона қисқа вақтда нафақат юртимизда, балки минтақада ҳам машҳур жамоалардан бирига айланди. Унда ишлаб чиқарилаётган кўркам, сифатли ва замонавий пойафзалларнинг тури 65 тага етди.

Фарғона водийсида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида яна кўп ёзиш мумкин. Бироқ минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши. Шундай экан, Фарғона вилояти фестивалига марҳамат қилинг!..

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## АМАЛИЙ ЧОРА КЎРИЛДИ

***Чиноз тумани машина-трактор саройи ҳайдовчилари А.Тожибоев, Ж.Ўрозов, А.Мамасолиев ва Қ.Раҳимов имзолари билан таҳририятимизга йўлланган хатда ушбу корхонада ишчи-хизматчилар ойлик иш ҳақлари кечикиб берилаётгани, дивидент пуллари тўланмаётгани хусусида маълум қилинганди.***

***Ўз навбатида таҳририят ушбу шикоят хатни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига текшириб, чора кўриш учун жўнатган эди. Сўровимиз юзасидан қуйидаги жавоб олинди:***

— Фуқаролар хатида кўрсатилган далилларнинг бир қисми тасдиқланди. Жумладан, иш ҳақлари белгиланган муддатларда тўлаб борилмаган. Ҳозир бу камчиликка чек қўйилди. Масъулиятсизликка йўл қўйгани учун корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ишчи-хизматчиларга акциялар бўйича дивидент тўловлари ҳисобланган, бироқ раҳбарларнинг амалдаги қонунларни яхши билмаслиги оқибатида ҳозиргача улар ўз эгаларига тегмаган. Бундан ташқари, машина-трактор саройида кузатув кенгаши, бошқарув органи тафтиш комиссияси ҳам тузилмаган. Табиийки, улар фаолият кўрсатмагани сабабли акциядорлар йиғилиши ҳам ўтказилмай келинган. Ҳиссадорлар пулини тезроқ ундириб бериш ва қонунбузарликка чек қўйиш мақсадида акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиши зарурлиги тўғрисида тақдимнома ва бу ҳақда туман ҳокимига ахборот киритилди.

**М.МИРЗАЕВ,**
**Чиноз тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси**

# «БИЗ ХОРАЗМДАН БЎЛАМИЗ»

*Қарор ва ижро*

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллатиш тўғрисида Қарор қабул қилганди. Ушбу қарор шарофати ила Хоразм вилоятида ичимлик сувининг сифатини яхшилаш, мавжуд оқар сувлардан фойдаланиш бўйича махсус тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 300 нафари Тошкент ва Самарқанд вилоятининг сўлим оромгоҳларида дам олдириляпти. 331 нафар аёл республиканинг марказий сиҳатгоҳларида бепул даволанмоқда.***

Мазкур қарор талаблари Хоразм вилояти ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан қандай амалга оширилмоқда? Мухбиримиз бош бошқарма бошлиғи Рўзибой Қурбонов билан шу мавзуда суҳбатлашди:

— Республикамиз ҳукуматининг ушбу қарори Оролбўйи ҳудуди аҳолисига кўрсатилаётган меҳрибонликнинг ёрқин ифодасидир. Ўз навбатида бошқармамиз томонидан икки ишчи гуруҳи тузилди. Сув тақчиллиги юқори бўлган туманларнинг ҳокимликлари билан жойларда семинар йиғилишлари ўтказилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган оилалар аниқланди. Зарар кўрган туманларда яшовчи камхарж оилаларга берилаётган моддий ёрдам кўпайтирилди. Шу жумладан, 16 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжмандларнинг ҳамда шу оилаларда яшовчи пенсионерларнинг нафақаларига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида устама қўшиб бериш белгиланди.

Июл ойидан бошлаб Гурлан, Хива, Қўшкўпир туманларида 1071 нафар моддий ёрдам олаётган оилаларга 1968 минг, 15096 нафар болалар нафақаси олаётган оилаларга 24248 минг, 3501 нафар кам таъминланган пенсионерларга 4288,2 минг сўм қўшиб берилди.

— **Қарорда сув тақчил туманларда истиқомат қилувчи пенсионерларга республикамиздаги сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига бепул йўлланмалар бериш кўзда тутилган...**

— Айнан шу имтиёз туфайли биз вазирлигимиздан энг яхши, баҳаво сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига 350 та йўлланма олдик. Дастлаб 12 нафар пенсионерни Фарғона вилоятидаги «Олтиариқ» сиҳатгоҳига жўнатдик. Иккинчи босқичда эса улардан 27 нафарини Тошкент вилоятининг сўлим масканларига юбордик. Уларни вазирлик томонидан тузилган махсус комиссия аъзолари Тошкент темирйўл шоҳ бекатида кутиб олиб, махсус транспортларда белгиланган жойларга етказиб қўйишмоқда.

Кейинги вақтда кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз. Вилоятда 1186 та ёлғизлар ҳисобга олинган. Шулардан 20 нафарига сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар, 233 нафарига бепул дори-дармонлар олиб бердик.

Кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногирон ва пенсионерларга ёрдам кўрсатишдек хайрли ишдан тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ҳам четда тураётганлари йўқ. Йил бошидан буён 1757 нафар пенсионерга ҳомийлар ёрдамида 643 минг сўмлик қўшимча пенсиялар тайинланди. Шундай оилаларга 17 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— **Аҳолини иш билан таъминлашда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Вазирлар Маҳкамаси қарорида сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалигида вақтинча ишламаётган кишиларни меҳнатга жалб қилиш ҳам кўзда тутилган. Биз шундай фуқаролардан 2311 нафарини аниқладик. Уларни турли ишларга жалб қилиш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз. Ишсизликни тугатиш, аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш бўйича йил бошидан буён вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда Урганч шаҳри, Боғот, Гурлан, Урганч, Ҳазорасп, Хива, Шовот, Янгибозор туманларида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 473 нафар киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. 47 нафар фуқаро қайта ўқитишга юборилди. Бундан ташқари, бош бошқармамиз ўтказаётган меҳнат ярмаркаларида корхона, ташкилот, муассасалар, фирмалар ўзларидаги бўш иш ўринларини намойиш этмоқдалар. Бу тадбиримиз аҳолини иш билан таъминлашда ниҳоятда қўл келмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш бош бошқармаси жорий йилнинг олти ойида 498 иш ўрнини барпо этишга 130,7 миллион сўмдан зиёд, шу жумладан, тадбиркор аёлларга 26 иш ўринлари очиш учун 8 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Ишонамизки, бу саъй-ҳаракатларимиз шу йилнинг ўзидаёқ ўз самарасини беради.

**Суҳбатдош: Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**





Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳар ва шаҳар атрофида қурилиш ва ободончилик ишлари авж олдирилмоқда. «Алпомиш» ўйингоҳида янги спорт мажмуининг бунёд этилиши ҳам термизлик спорт ишқибозлари учун яна бир қулай имконият яратиб беряпти.

Айни чоғда мазкур ўйингоҳдаги бунёдкорлик ишларини «Сурхондарёдеҳқонқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қурувчилари олиб бормоқдалар. Улар ҳозиргача «Алпомиш» ўйингоҳини қайта таъмирладилар. Бундан ташқари, спорт мажмуида замонавий типдаги кураш, бокс, шахмат, шашка клублари, сузиш ҳавзаси барпо этиляпти. Бунёдкорлар ҳозиргача 140 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажардилар.

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЭРТАНГИ КУН ИШЧИСИ

Андижондаги Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида салкам олти ярим минг киши ишлайди. Меҳнатни ташкил қилишнинг ҳозирги суръати ва юксак технология нафақат мутахассисдан, балки оддий ишчидан ҳам юқори малака ва назарий билимни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам бирлашма қошида енгил саноат касб-ҳунар коллежи барпо этилаётир. «Андижонвилоятқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бинокорлари бу ерда қисқа вақт ичида 560 миллион сўмлик иш бажардилар.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳратбек Иброҳимов шундай дейди:

— Коллеж мустақилликнинг 10 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Бу ерда таълим-тарбия олиб, ҳунар ўрганадиган ёшлар бирлашма корхоналарида малака оширадилар, ишлаб чиқариш билан яқиндан танишадилар. Уларнинг касб сирларини ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлларини пишиқ-пухта ўзлаштириб олишлари корхонамиз эртанги куни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

**М.МАМАЖОНОВА.**

*Излаган имкон топади*

***Оққўрғон туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги бир пайтлар илғорлар қаторида тилга олинди. Лекин кейинги уч-тўрт йил ичида сарф-харажатлар кўпайиб, хўжалик инқирозга юз тутди. Бундай ҳолатдан чиқиб кетиш учун туман ҳокимлиги ушбу ширкат хўжалиги раҳбарлигига тадбиркор Йўлдош Дўлановни тавсия қилди.***

# ДЕҲҚОН МАОШИНИ ВАҚТИДА ОЛМОҚДА

У кекса деҳқонлар билан бамаслаҳат иш юритди. Бу ўзининг ижобий самарасини берди. Хўжаликда меҳнат кўтаринкилиги юзага келди. Ҳозир одамлар далага астойдил ишлаш учун чиқишмоқда. Чунки раис уларга берган ваъдасини бажараётир. Мана, уч ойдирки деҳқонлар ўз вақтида маошларини олишмоқда.

Чопиқчилар учун гектарига 4 минг, сувчилар ва механизаторларга 5 минг сўмдан меҳнат ҳақи мунтазам тўланмоқда. Йўқ бўлиб кетган дала шийпонлари қайта тикланди.

— Хўжалигимизда иш юритишни шартнома асосида амалга ошира бошладик, - дейди раис. — Бунинг илк самараси ўлароқ пилла тайёрлаш шартнома режасини бажардик. Ғаллакорларимиз ҳам астойдил меҳнат қилиб, етиштирган мўл ҳосилни ўз вақтида нест-нобуд қилмай, йиғиштириб олдилар.

Деҳқонларимиз шартномага кўра хўжаликка гектаридан 42 центнердан ғалла етказиб бериб, ошиқчасини ўзларига олдилар. Бўшаган ерларни шудгордан чиқариб, такрорий экинлар экдик. Бунинг ҳисобига 8-10 миллион сўм даромад қилишни режалаштириб турибмиз.

— Ўтган йили четдан техника жалб қилинганди. Жорий йилдан бошлаб ўзимизнинг фермер хўжалиги тракторлари билан юмушларни амалга ошириб, 30 миллион сўмга яқин пулни тежаб қолмоқчимиз.

Шунингдек, ишлаб чиқаришга кам нафи тегадиган иш ўринларини қисқартирдик. Ўғит, ёқилғи ва мойлаш материалларидан фойдаланишни қатъий назоратга олдик.

Ишловчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароитлар яратилади. Жорий йил охирида ҳар бир дала шийпонини икки бош соғин сигир ва 50 тадан товуқ билан таъминлаймиз. Натижада далада ишлаётганларга қатиқ, сут, тухум, парранда гўшти етказиб бериш имкони туғилади.

Бир пайтлар иқтисодий ночорлигимиз сабабли бошқа хўжаликларда ишлаш учун кетиб қолганларни ўзимизга қайтаряпмиз.

Хуллас, бутун билимимиз ва ғайратимизни хўжаликнинг олдинги шуҳратини тиклашга қаратганмиз. Мақсад — ҳар бир оила ўз меҳнати натижасидан баҳраманд бўлсин.

**П. ЭРГАШЕВ.**

## ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДА - «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Наманганда «Бошкоммунгаз» республика корхоналари «Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг аҳволи» мавзуидаги кўргазмали семинар ниҳоясига етди.

Йиғилишда сўзга чиққан бир қатор вилоятлар «Газтаъминот» шўъба корхоналари раҳбарлари наманганликлар тажрибасига юқори баҳо беришди.

— Республикамиз мустақилликка эришгандан буён вилоятимизда 4 минг километрдан ортиқ масофага газ тармоқлари тортилди, - деди «Намангангазтаъминот» шўъба корхонаси директори З.Тожибоев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бугун чекка қишлоқларга ҳам «зангори олов» етиб борди. Бозор иқтисодиёти шароитида оловкорларни ижтимоий ҳимоялаш, ойлик маошларини ўз вақтида тўлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

*Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда?*

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

***Меҳнат муносабатларини шакллантириш, иш берувчи билан ишловчи ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйиш жамоа шартномасининг муҳим бандларидан ҳисобланади. Шу маънода меҳнат кишисини ижтимоий муҳофаза қилиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўрнида хавфсизлик шароитлари яратиш, соғломлаштириш, дам олишни ташкил этишда касаба уюшмалари ана шу ҳужжатга таяниб иш юритмоқдалар.***

Туманимиздаги 15 та хўжалик, корхоналар, фермер хўжаликларида 45дан зиёд бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. «Далварзин», Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжаликлари, «Бекобод» ва «Далварзин» пахта тозалаш заводлари, «Бекободун» ҳиссадорлик жамиятларида шартнома бандларининг бажарилиши ҳамкорлик асосида олиб борилмоқда. Масалан, Мавлонов номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари бу йил 3 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирдилар. Хирмонга давлат буюртмасидан 160 тонна зиёд буғдой тўкилди. Бунинг эвазига ғаллакор пудратчиларнинг ҳам манфаатдорлиги ортаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига жамоа шартномалари ҳақида алоҳида боб киритилганлиги ушбу ҳужжатнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини белгилаб берувчи мезондир. Биз жойларда жамоа шартномаларини қандай тузиш, унинг амалда бажарилишини назорат қилиб бориш юзасидан услубий қўлланма ишлаб чиқиб, барча бошланғич ташкилотларга етказдик. Кўпгина бошланғич ташкилотларда бу борада анча ибратли ишлар амалга оширилди. Лекин, айрим ташкилот раҳбарлари бу ишга панжа орасидан қарашмоқда. Масалан, «Навбаҳор», «Ўзбекистон», «Дўстлик» хўжаликлари, Бекобод машина-трактор парки, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида жамоа шартномаси номигагина тузилган. Шу хўжалик ва корхоналарнинг касаба уюшма ташкилотлари ўз ваколатларидан керакли даражада фойдаланмаяптилар. Натижада меҳнаткашлар ўртасида оммавий, маданий тадбирлар ўтказиш ишлари ўлда-жўлда қолмоқда.

Маълумки, жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини текшириш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш касаба уюшмаларига юклатилган. Шундай экан, касаба уюшма қўмиталари бу ишга масъулият билан ёндошмоқлари лозим.

**Мўминжон СУЛТОНҚУЛОВ, Бекобод туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Меҳнат муҳофазаси муаммолари*

# «МАБЛАҒ ЙЎҚ» БАҲОНА ЭМАС

Сирдарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги корхона, хўжаликларда ўтган йиллар инсон ўлими билан тугаган фожеали воқеалар бот-бот такрорланиб келганди. Мутасаддилар кўнгилсизликлардан тегишли хулоса чиқариб ололмадилар. Энг ёмони, тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазаси масаласига панжа орасидан қараб келиняпти. Баҳона, важ-карсон бисёр. Маблағ танқис, мутахассис йўқ ва бошқа ўнлаб сабабларни рўкач қилиб ташлашади. Бу — охир-оқибатда кўнгилсиз ҳоллар рўй беришига олиб келди. Чунончи, шу йилнинг ўтган олти ойида олти маротаба нохуш ҳолат қайд этилди.

Бахтсиз ҳодисалар дастлаб «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамиятида юз берди. Бунга жамоада техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасига оид тушунтириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, корхона ишчиси Акмал Абдуллаев шу йилнинг 3 феврал куни 6-қаватда демонтаж қилинган нориянинг очиқ жойидан 4-қаватга қулаб тушди. Фарзандлари бахтига тирик қолди. Корхона мўмайгина товон пулига тушди. Шу маблағнинг маълум фоизи хавфсизлик чора-тадбирларига сарфланганида эди, нур устига аъло нур бўлардди.

Шароф Рашидов тумани «Бўстон» ширкатлар уюшмасида ғалла ўримида кўнгилсизлик қайд этилди. Шу хўжалик ишчиси Т.Жойноқов ғалла ҳосилини автомашинасига юклаётган «Кейс» комбайни бункерини тозалашга киришади. Бункер тагида қолган ҳосилни тозалаш чоғида ўнг оёғи айланиб турган шнекига кириб кетади. Бу ердаги мутасаддилар қаёққа қарашаётганига ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Бу хавфли ишни нима учун оддий ишчига топширишган ўзи? Ўрим-йиғим олдидан механизатор ва ишчилар махсус тайёргарликдан ўтиши лозим эди-ку?

Гулистон туман машина-трактор саройи жамоаси ҳам фожеали ҳодисадан чуқур изтиробга тушдилар. «Магнум» трактори ҳайдовчиси Икром Йўлдошев бахтсизлик қурбони бўлди. У ўз бошқарувидаги агрегатда кечаси ишга отланади. Йўлда икки нафар кишини миндириб олади. Оқибатда бошқарувни йўқотиб, йўловчилар билан ариққа қулаган. Марҳумлар ҳақида яхши, ёмон гап айтиш гуноҳи азим. Бироқ раҳматли Икром Йўлдошев техника хавфсизлиги қоидаларидан хабардормиди, деган саволни қўйишга мажбурмиз. МТП мутасаддиларининг бу борадаги ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани фожеага олиб келмадимикан?!

Боёвут пахта тозалаш корхонасига қарашли «Орзу» пахта қабул қилиш пункти қоровули эрталаб соат 6.00 ларда пахта ғарами соясида пинакка кетади. Қисматни қарангки, ғарам кўчиб, шўрлик қоровул шу ерда жон таслим қилган. «Дўстлик» канали бошқармаси бош муҳандиси Анатолий Турсунов, ҳайдовчи Решат Шакировлар эса транспорт ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юмишган.

Бахтсиз ҳодисаларни ўрганиш жараёни шуни кўрсатдики, баъзи жамоаларда техника хавфсизлиги ва меҳнат интизоми сусайтириб юборилган.

Биз юқорида қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташкилотлари шаънига аччиқ гапларни айтдик. Бу беҳуда эмас. Яна битта мисол. Вилоят туманлари орасида Сирдарё тумани анча тартибли ҳисобланади. Техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси масалалари ҳам мазкур туманда бир мунча дуруст ташкил этилган. Ана шу мақталган туманда хавфсизликнинг 14 ҳолати бўйича энг оддий қоидаларга ҳам эътибор берилмаган. 500 нафар кишидан зиёд ишчи хизмат қилаётган «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида ўтган йил, меҳнат муҳофазасига бор-йўғи 60 минг сўмгина маблағ сарфланган, холос. Аксарият хўжалик ва ташкилотларда иш турлари, касблар бўйича техника хавфсизлиги йўриқномалари ишлаб чиқилмаган. Жойларда ходимларнинг бу борадаги билимларини текшириш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганлиги ажабланарлидир.

Тизим корхона ва хўжаликларида ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда сансалорликка йўл қўйилмоқда. Жойларда ишчиларга тарқатилган махсус кийим-бошлар ҳақида ҳисобот йўқ. Қатор хўжаликларда техника хавфсизлиги муҳандислари ўрни бўш. Борлари ҳам ўз вазифаси қолиб, умумий дастёрга айланиб қолган. Бу ҳолга чек қўйиш фурсати келмадимикан?

Сир эмас, айрим ташкилотларда меҳнат жараёнида жароҳат олганларни сарсон-саргардон қилишдан ҳам тойишмаяпти. Чунончи, 29-механизациялашган кўчма жамланма мутасаддилари ана шундай ҳолга йўл қўйишган. Жамоада ишлаб ногирон бўлган Евгений Яковенко ўз ҳақини ҳисоблаб беришларини сўраб узоқ вақт елиб-югуришга мажбур бўлди. Ахир, қурилиш ташкилоти ҳисобчилари бу масалани бир зумда ҳал этиши мумкин эди-ку!

Хуллас, вилоятдаги бир қатор ташкилот ва корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича қонун талаблари бузилиши давом этмоқда. Агар уларнинг олди олинмаса, бунинг учун қатор ташкилий-оммавий тадбирлар зудлик билан ишлаб чиқилмаса, ишловчилар ўртасида фожеали воқеалар рўй бермаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

**Илёс БОҚИЕВ, Сирдарё вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнат бўйича техника нозири.**
**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

## БМТ ВИКТОРИНАСИ

Тошкентда ўтаётган «БМТдан ютиб ол» викторинаси саволларига уч мингдан зиёд ўзбекистонлик ўсмирлар жавоб йўллашди.

Биринчи босқичда тошкентлик мактаб ва лицей ўқувчилари Алексей Глуховцев, Анастасия Лузинова, Ренат Килькеев ва Ринат Шакуровлар ғолиб бўлишди. Улар викторинанинг иккинчи босқичида иштирок этишади. Викторина ташаббускорлари — БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва БМТ Европа иқтисодий комиссияси мутахассислари 2001 йил саволларининг мураккаблигини назарда тутиб, яхши натижалар кўрсатган яна 94 нафар ўқувчининг топқирлигини инобатга олди. Улар викторинанинг якунловчи босқичига меҳмон сифатида таклиф этилади ва мукофотланади.

Викторинанинг якуний босқичи шу йилнинг сентябрида бўлади.

«БМТдан ютиб ол» викторинаси Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказиляпти. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад - республика ёшларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг тинчлик, хавфсизлик, иқтисодий тараққиёт, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон ҳуқуқи доирасидаги фаолияти ҳақидаги билимларини янада оширишдан иборат.

# Саволларингизга ЎзКУФК юридик бўлими меҳнат ҳуқуқи нозири Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

**САВОЛ:** ***мен 1975 йил 20 декабрдан буён Жиззах шаҳар 3-ўрта махсус касб-ҳунар мактабида ишлаб чиқариш таълими устаси — бош уста лавозимларида ишлаш билан биргаликда махсус фанлар бўйича йилига 250-300 соат миқдорида дарс ҳам бераман. Мен имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланаманми?***

**Н.МУРОДОВ, Жиззах тумани, Р.Қосимов жамоа хўжалиги.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг 7-қисмига асосан талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи касблар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Ижтимоий таъминот вазирлиги билан биргаликда берган 1994 йил 5 сентябрдаги 051411-сонли тушунтириш хати билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган бўлиб, ушбу тушунтиришга асосан педагоглар билан бир қаторда ишлаб чиқариш таълими усталари ҳам имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бундай ҳолатда улар 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлишлари талаб этилади.

Башарти ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича педагогларга тенглаштирилса, у ҳолда уларнинг меҳнат таътиллари 48 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Юқоридаги имтиёзлар, шунингдек, ўқув ишлари ва ўқув ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарларига ҳам тегишлидир.

Ҳарбий раҳбарлар, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилари, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчилари ҳам юқоридаги тушунтириш хатига биноан педагогларга тенглаштирилиб, уларга ҳам имтиёзли тартибда давлат пенсияси белгиланади.

**САВОЛ:** ***пенсияга чиқаётган фуқаролардан қандай ҳужжатлар талаб қилинади?***

**С.ТЎЛАКОВ, Қамаши тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган «Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан пенсияга чиқаётган фуқаро қуйидаги ҳужжатларни ўзи яшаб турган туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этиши керак:

1. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охирги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали ёки жамоа хўжалиги бошқаруви орқали берилади.

Иш вақтларини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш ҳақидаги ариза аризачининг бевосита яшаш жойидаги туман(шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

2. Ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

а) меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

в) бола туғилганлиги ва саккиз ёшгача тарбия қилинганлиги ҳақида ҳужжат;

г) аризачининг фарзанди болаликдан ногирон ёки ногирон бола эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) аризачининг уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

3. Пенсия (туридан қатъий назар) тайинлаш учун мурожаат қилувчи ўзининг шахсини, турар жойини ва ёшини тасдиқлайдиган паспортини кўрсатиши зарур.

Пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳам, уларнинг нотариал тартибда, аризачини пенсия тайинлашга тақдим этаётган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ёки ижтимоий таъминот бўлими тасдиқлаган нусхалари ҳам топширилиши мумкин.

Меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар асл нусхада топширилади. Бироқ меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжат фақат меҳнат дафтарчаси бўлган ҳолларда, ундан охирги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурият ёки ижтимоий таъминот бўлими томонидан тасдиқланган кўчирма топширилиши мумкин.

Корхона маъмурияти тўпланган барча ҳужжатлар асосида пенсия тайинлаш учун тақдимномани расмийлаштиради. Тақдимнома шакли ва уни тўлдириш қоидалари Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Корхона маъмурияти ходим пенсия ёшига етган кундан кечиктирмай унинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлигини билдиришга мажбурдир.

Ходим пенсия тайинлаш тўғрисида ариза берган ҳолда, корхона маъмурияти мазкур ариза рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида барча ҳужжатларни ва ўз тақдимномасини тўлиқ расмийлаштиради ва аризачини улар билан ( тақдимномага имзо қўйдирган ҳолда) таништиради.

Ҳужжатлар ва тақдимнома ходимнинг аризаси билан бирга у яшаб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимига топширилади. Корхона маъмурияти пенсия тайинлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тўплай олмаган ҳолларда, ижтимоий таъминот бўлимига бор ҳужжатлар топширилади, етишмаган ҳужжатлар эса 3 ойлик муддат ичида қўшимча равишда тақдим этилади. Етишмаган ҳужжатларни топширишда ижтимоий таъминот бўлими ёрдам беради.

Агар маъмурият томонидан ходимга пенсия тайинлаш рад этилган бўлса, бу ҳақда унга рад этиш сабаблари кўрсатилиб, ёзма равишда хабар берилади. Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилувчи маъмурият қароридан норози бўлса, у пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризани яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимига бериши мумкин.

Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва тақдим этиш масалалари бўйича тушунтиришлар ва маълумотномалар беришга мажбурдирлар.

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**САВОЛ:** ***фарзанди 2 ёшга тўлмай туриб ишга чиққан аёлларга қандай ҳолларда болага берилаётган нафақа пули тўлиқ тўланади?***

**Ш.МУСТАФОЕВА, Гулистон шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Молия вазирликлари, Ижтимоий таъминот вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаган, 1998 йил 4 сентябрда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган 489-сонли «Болалар 2 ёшга тўлгунга қадар ойлик нафақаларни тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомининг 6-бандига асосан, боласи 2 ёшга тўлмасдан ишга чиққан оналар бир вақтнинг ўзида ойлик маош билан бирга боласи учун тўланаётган нафақаларини тўлиқсиз иш шароитида ишлаган тақдирдагина олишга ҳақлидирлар.

**САВОЛ:** ***ўқитувчилар қайси ҳужжатларга асосан аттестациядан ўтказилади?***

**Бир гуруҳ ўқитувчилар, Гулистон шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим муассасалари педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарори билан тасдиқланган. Мазкур Низом мактабгача ва мактабдан ташқари болалар муассасаларининг ходимлари уч йилда камида бир марта ва барча турдаги умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг педагог ходимлари беш йилда камида бир марта аттестациядан ўтишлари кераклигини назарда тутади. Мазкур Низом ҳанузгача юридик кучга эга бўлиб, бекор қилинмаган.

**САВОЛ:** ***пенсияга чиқиб ишлаётган ўқитувчилар бир йилда 2 ойлик пенсиясини тўлиқ олишар эди. Бу имтиёз жорий йилда бекор қилиндими?***

***Ҳ.ҚАҲҲОРОВ, Нуробод шаҳри.***

**ЖАВОБ:** тўғри, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари томонидан 1996 йил 30 апрелда ишловчи пенсионерларга икки ойлик пенсиясини тўлиқ тўлаш ҳақида берилган 202/04-1-сонли ва 660/05-сонли қўшма тушунтириш, Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги учун 2001 йилнинг 1 январидан бекор қилиниб, ишловчи пенсионерларга пенсиялари 50 фоиз миқдорида тўланиши белгиланди.

Икки ой муддатга меҳнат шартномаси билан ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрда Адлия вазирлигидан 198-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 31-бандида назарда тутилган талабга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилади, яъни меҳнат шартномаси (контракт) бўйича вақтинча, календар йил давомида икки ой муҳлатга ишлаётган пенсионерларга пенсия уларнинг турар жойидан тўлиқ тўланади, шунингдек, Меҳнат шартномаси (контракт) муддати узайтирилган тақдирда пенсия 50 фоиз миқдорида тўланади.

***Болалар ёзи — катта имтиҳон***



## ШАҲРИСАБЗНИНГ СЎЛИМ ГЎШАСИ

Туманимизда 60 та мактаб бўлиб, уларда 3825 нафар ўқитувчи ёшларга таълим берилмоқда. Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, дам олишларини ташкил этиш асосий мақсадимиз. Шу боис меҳнат таътилини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқитувчилар «Ботаника» санаторийсида, уларнинг фарзандлари эса ёзни Шаҳрисабзнинг сўлим гўшаларида ўтказишмоқда.

Бу йил соҳа ходимларининг 85 нафар фарзанди Охунбобоев номли оромгоҳда дам олади. Бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Кам таъминланган ўқитувчилар оиласига моддий кўмак берилди.

Туманимиз мактабларининг ўқувчилари «Соҳибқирон» номли оромгоҳда ҳам ҳордиқ чиқармоқдалар. Уларга 60 нафар тажрибали ўқитувчи бош-қош. «Бешкент» пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекистон Мустақиллиги», Собир Раҳимов, Чўли ота номли, «Истиқбол» жамоа ширкат хўжаликлари маъмурияти ва касаба уюшмалари яқиндан кўмак бериб, оромгоҳларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқдалар.

**Илҳом АНБИЕВ, Қарши туман Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## ТАБИАТ ҚУЧОҒИГА САЁҲАТ

***Шаҳрисабзнинг «Қани» дам олиш оромгоҳи Оқсув дарёси соҳилида жойлашган. Бу масканда туман меҳнаткашларининг 400 нафар фарзанди дам олишмоқда. Бу йилги мавсумда 1600 ўқувчининг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган оромгоҳ ҳудуди 3 ярим гектардан иборат бўлиб, соя-салқинлиги ҳамда хушманзаралилиги билан ажралиб туради. Боғда етиштирилган мевалардан болалар севиб тановвул қилишмоқда.***

Мавжуд 12 та гуруҳда бош етакчи Бобур Дониёров раҳбарлигидаги етакчи ва тарбиячилар турли машғулотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги олдидан «Давлат рамзимиз - бахтимиз», «Аждодлар руҳи сенга мададкор», «Огоҳликка даъват — давр талаби», «Табиат қучоғига саёҳат» сингари тадбирлар ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди.

Ўғил-қизларимизни баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни катта. Шу боис турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Уларга Зебунисо, «Лочин» оромгоҳларида дам олаётган болалар ҳам таклиф этилди. Бу ишларга жисмоний тарбия муаллими Ихтиёр Эшонқулов бош-қош. Дилафруз Раҳмонова, Фазилат Сафарова, Умида Беғамова сингари тарбиячи ва етакчилар болалардан ўз тажрибаларини аямаяптилар.

Келажагимиз эгаларининг мазмунли ҳордиқ чиқаришларида «Шаҳрисабз консерва» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Тошсаралаш», «Вино-шарбат» ҳиссадорлик жамиятлари, Болта Фозилов, Улуғбек, Амир Темур номли, «Наврўз» хўжаликлари яқиндан кўмак беряптилар. Туман касаба уюшма раҳбарлари туман ҳокимлиги вакиллари билан оромгоҳда бўлиб, ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал этилишини таъминлашмоқда.



**Умринисо РАСУЛОВА, оромгоҳ етакчиси.**

## РИЗОГРАФИЯ - ТЕЗКОР МАШИНА

Ўзбекистон Республикаси Банклари уюшмасида «SyTeCo» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси иштирокида Япония «RISO KAGAKU CORPORATION» компаниясининг «Ризография» технологияси тақдимоти бўлиб ўтди. Юртимизда фаолият юритаётган банк ва корхоналар вакиллари иштирок этган бу маросимда мазкур компаниянинг матбаачилик соҳасидаги энг сўнгги ютуқлари намойиш этилди.

Ризография - тезкор нусха кўчиришнинг энг қулай замонавий усулларидандир. Бу қурилма бир дақиқада 130 тагача нусха кўчириш имконини беради. Бу - бир соатда 8 минг нусха ҳужжатни босмадан чиқариш демакдир.

«SyTeCo» қўшма корхонаси ўтган йилнинг апрел ойида ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизга ана шу соҳага оид энг замонавий технологияларни олиб кириш билан шуғулланади.

**(ЎзА).**

## OLAMDA

**ЛОНДОН.** АҚШ президенти Жорж Буш расмий ташриф билан Буюк Британияга келди. У қиролича Елизавета Иккинчи ва Бош вазир Тони Блэр билан учрашди. Музокарада, асосан, АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини яратиш режаси, иқлим ўзгариши, ривожланаётган давлатларга таълим ва телекоммуникация соҳасида ёрдам кўрсатиш каби масалалар муҳокама этилди.

* * *

**ЗАГРЕБ.** Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев икки кунлик ташриф билан Хорватияга келди. У Хорватия президенти Стипе Месич, бош вазир Ивиц Рачин, шунингдек, парламент вакиллари билан учрашиб, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик, уюшган жиноятчилик ва наркобизнесга қарши кураш, ноқонуний муҳожирлик масалаларини муҳокама қилади. Музокаралар чоғида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисида декларация имзоланиши кутилмоқда.

* * *

**ПРЕТОРИЯ.** Конго мудофаа вазири Итии Оссетумба Лекундзага суиқасд қилинди. Унинг Браззавил шаҳридаги қароргоҳи ёнида кечаси отишма бўлди. Хабарларга кўра, вазирга қарши бир нечта ҳарбий бош кўтарган. Қуролли тўқнашув ўн дақиқа давом этди. Қурбонлар ва жароҳатланганлар тўғрисида маълумот йўқ.

* * *

**ВАШИНГТОН.** Хитой ҳукумати АҚШдан ЕР-3 айғоқчи самолётининг Хайнан оролида маълум муддат сақланиб тургани эвазига миллион доллар миқдорида товон талаб қилганди. Куни кеча АҚШ конгресси вакиллари бу талаб бажарилмаслигини маълум қилди. Мудофаа вазирлиги вакиллари эса, товон тўлашга тайёрлик билдирган бўлса-да, миллион доллар бироз кўплик қилишини айтмоқда.

* * *

**ЖАКАРТА.** Индонезиядаги сиёсий вазият борган сари кескин тус олмоқда. Президент Абдураҳмон Воҳид мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишга кўрсатма бериб, парламентни тарқатиб юбориш ниятида. Армия фавқулодда ҳолатга тайёргарлик кўрмоқда. Куни кеча ҳарбийлар зирҳли машиналар билан парламент биносини қуршаб олди. А.Воҳиднинг айтишича, 1 августга қадар қонун чиқарувчи орган махсус сессия ўтказиб, президентга импичмент эълон қилиш масаласини қайта кўриб чиқмаса, тарқатиб юборилади ва мамлакатда парламент сайлови ўтказилади.

**(ЎзА).**

## NIMA GAP

## ЗАҲРИ ҚОТИЛ ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАДИ

***Шиша ичидаги шайтон васвасаси кишини ҳар кўйга солади. У билан ошно бўлган инсон борки, албатта бир кун панд ейди.***

Пайариқ туманида содир этилган жиноятлардан бири ўлим билан тугади. Ваҳоланки, Алишер Жўраев ва Тоҳир Исоқовлар болаликдан бирга ўсган, мактабни ҳам бирга тамомлашган эди. Барча уларга ҳавас билан қарар, қадрдонлар орасидан қил ўтмасди. Болалик завқини бирга тотган дўстлар улғайиб, уйли-жойли ҳам бўлишди. Ошна-оғайнигарчилик дегандай, борди-келдини жойига қўйишар, яхши кунларда бир-бирининг корига ярашга ҳаракат қилишарди. Кунлардан бир кун Алишернинг уйида ҳашар уюштирилди. Ошарда «зорманда»дан кўпроқ истеъмол қилиб қўйишди шекилли, санманга бориб қолишди. Алишер Тоҳирни ҳе йўқ, бе йўқ ҳақоратлаб, жанжал кўтарди ва ёнидаги бўшаган арақ шишаси билан унинг бошини ёриб, тан жароҳати етказди. Янаям Тоҳир босиқлик қилди,тегишли жойга шикоят қилиб ўтирмади. Андишага борди, ўртадаги дўстликни устун қўйди. Бироқ Алишер кек сақлайдиганлардан бўлиб чиқди.

Кунлар кетидан ойлар ўтиб Норбой исмли танишининг сабаб яна улар дастурхон атрофида учрашиб қолишди. Зиёфат анча қуюқ бўлди. Эрталабдан то қош қорайгунча нечталаб шиша бўшади. «Уч оғайни ботирлар» жиғилдонидан ўтган «шайтон» ҳунар кўрсата бошлади. Эски гина-кудурат яна ўт олди. Норбой уларни зўр-базўр муросага келтирди. Алишер ўз уйига қайтди. Алам ўтиб кетган «дўст» уйида яна бир шиша винони симирди. Энди бамисоли шер бўлиб кетди. Ўзининг кимлигини, нималарга қодир эканлигини Тоҳирга кўрсатиб қўйишни режалаштирди. Кўзи қонга тўлган Алишер уйидаги рўзғор пичоғини олиб, дўстини қидириб бозор томон йўл олди.

Лекин бозор гавжум жой. Бу ерда қабиҳ ниятини амалга оширолмаслигини билган Алишер яна қиттак-қиттак қилиб уйга қайтди. Бироқ, заҳри қотил таъсирида миясида чалкаш фикрлар айланарди. У қоронғу кўча бошига чиқиб «дўст»ини кута бошлади.

Ана, ниҳоят... унинг қораси кўринди. Тоҳир ҳам маст, зўрға қадам босиб келмоқда эди. Алишер унинг йўлини тўсди, эски гиналарини қўзғади, қилдан қийиқ ахтарди, уни ҳақоратлаб мушт солди. Одамийлик чегарасидан чиқиб улгурган Алишернинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Уйдан олиб чиққан пичоғини қўлга олди...

Жиноятчи қора курсига

***Сабоқ***

ўтирди. Унинг жиноий қилмишини атрофлича ўрганиб чиққан суд ўз ҳукмини ўқиди. Алишер Жўраев ўта шафқатсизлик билан, қасддан одам ўлдиргани туфайли узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятчининг етти нафар фарзанди кўзлари жовдираб, уни суд залидан кузатиб қолди.

Ўйланиб қоласан киши: ичкиликбозлик бир куни хароб қилишини била туриб нега унга ружу қўйишаркин?

Оиладаги тарбия, муҳит ҳам бундай оқибатларнинг келиб чиқишига сабабчидир. Қўни-қўшни, маҳалланинг ўрни қаерда қолди? Боз устига айрим ёшларнинг ишсиз юришлари ҳам юқоридаги каби ҳолатнинг келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда.

**Эркин БЕГИМОВ, Пайариқ туман прокуратураси терговчиси.**
**Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири.**

